# "Прокурор ва ёшлар учрашуви" ўтказилди

Куни кеча 2-сектор штабида туман прокурори Б.Юнусов томонидан ўтказилган навбатдаги учрашувда сектор раҳбарига бириктирилган 20 нафар ёшлар қатнашишди. Учрашувда ёшларни харбий-ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар рухида тарбиялаш бўйича Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари билан бирга муаммолар муҳокама этилиб, масъулларга аниқ топшириқлар берилди, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан режалар белгилаб олинди.